

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 5 август, № 158 (9329) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ МАОШИ АНИҚ МЕЗОНЛАР АСОСИДА БЕЛГИЛАНАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 4 август куни давлат фуқаролик хизматчиларининг ойлик иш ҳақи тизими ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Сўнгги йилларда давлат хизматида кадрларни танлаш, ишга жойлаш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолиятининг асосий тамойилларини белгилаб берган алоҳида қонун қабул қилинди. Давлат органларида бошқарув ходимларининг штат бирликлари 2016 йилдаги 73 мингдан 54 мингтага мақбуллаштирилди.

Тақдимотда амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида сақланиб қолаётган номутаносибликлар таҳлил қилинди.

Бугунги кунда давлат хизматчилари иш ҳақи таркибида лавозим маошининг улуши 15 фоиздан ошмайди. Иш ҳақи фондининг 70 фоизгача қисмини ходимнинг аниқ натижасига боғланмаган турли устама, мукофот ва рағбатлантирувчи тўловлар ташкил қилади.

Натижада бир хил лавозимда ва ўхшаш вазифаларни бажараётган ходимларнинг иш ҳақи ўртасида катта фарқ юзага келган. Айрим вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларидаги худди шундай лавозим эгалари билан солиштирилганда тенглик принципларига амал қилинмаётгани қайд этилди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тартибга солувчи ягона ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Аксарият давлат органларида қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича 50 дан ортиқ алоҳида норматив ҳужжатлар амал қилмоқда.

Шу боис давлат фуқаролик хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона, очиқ ва натижага асосланган тизимини жорий этиш таклиф қилинди.

Янги тизим билан 54 минг нафар давлат хизматчисини қамраб олиш кўзда тутилган. Давлат органлари миллий, республика, ҳудудий ҳамда туман ва шаҳар даражаларига, ходимлар эса бажарадиган вазифаларига қараб маъмурий бошқарув, асосий ва қўллаб-қувватлаш гуруҳларига ажратилади.

(Давоми 2-бетда).

## БУНЁДКОРЛИККА УНДОВЧИ ТУЙҒУ





*Янги Наманган туманининг ташкил этилиши бутун бошли вилоят ҳаётида тезкор юксалиш босқичини бошлаб берди. Зотан, янги маъмурий ҳудуднинг вужудга келиши натижасида манзил қиёфаси ҳам, одамларнинг турмуш тарзи ҳам тубдан ўзгарди. Маҳобатли тураржойлар, кенг ва равон кўчалар, бир-биридан кўркам ижтимоий объектлар, инвестиция лойиҳалари ҳамда иқтисодий фаоллик бугунги Янги Наманганнинг бетакрор тимсолини яратяпти. Энг муҳими, бу ўзгаришлар одамларнинг онги, тафаккури ва эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.*

### Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига кенг тайёргарлик кўрилаётган бугунги шукуҳли кунларда туман аҳли бу ҳаётбахш ўзгаришлар замирида Янги Ўзбекистоннинг келажагини, унда истиқомат қиладиган фарзандлар камолини теран тасаввур этмоқда. Ана шу ишонч ва эътиқод уларни муқаддас заминни янада гўзал ва кўркам қилишга ундаб турибди.

→ 3



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

## САМАРАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

**Президент Шавкат Мирзиёев Кадастр агентлиги фаолиятини янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш, аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматларни соддалаштириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Сўнгги икки йилда 1 миллион 200 мингдан ортиқ кўчмас мулк объектлари хатловдан ўтказилди. Натижада қўшимча 16,5 минг гектар ер ва 49 миллион квадрат метр қурилиш майдони аниқланди.

Аниқланган объектларнинг 270 мингтаси кадастр базасига киритилиб, бюджет учун йилига 315 миллиард сўмлик қўшимча солиқ базаси яратилди. Кадастр хизматларининг 90 фоизи онлайн шаклда кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган муаммолар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида кадастр хизматларидан фойдаланиш бўйича 1 миллиондан ортиқ аризалар келиб тушган бўлса, уларнинг 330 мингтаси ёки 30 фоизи рад этилган. Яъни амалда ҳар учта аризадан биттаси қаноатлантирилмаган.

Бундай ҳолатлар фуқароларнинг ортиқча вақт ва маблағ сарфлашига, масаласини ҳал қилиш учун яна бошқа идора ёки шахсларга мурожаат этишига сабаб бўлиб, коррупциявий хавфларни ҳам кучайтирмоқда.

Хизматларни рақамлаштириш жараёнида барча қарорларни марказлашган тартибда қабул қилиш амалиёти шаклланганы ҳам аҳоли учун ортиқча тўсиқларни юзага келтирган.

Хусусан, нотурар объект тоифасини ўзгартириш учун вилоят ёки республика даражасидаги ташкилот розилиги талаб қилинмоқда. Битта масалани ҳал қилиш учун фуқаролардан бир неча марта ариза топшириш ва ҳар бир ариза учун алоҳида тўлов қилиш сўралмоқда.

Масалан, битта ҳовлини ака-ука ўртасида бўлиш учун тўртта, битта меросни уч қисмга ажратиш учун эса олтита ариза талаб қилинади. Битта ариза туман, вилоят ва республика даражасида 30 — 50 та босқичда кўриб чиқилиб, жараён ўртача 15 — 20 кунга чўзилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

*Дунё давлатлари тажрибасида халқаро молия марказлари (International Financial Centres — IFC) фаолиятини йўлга қўйиш кенг қўлланилади. Бундай марказларнинг жаҳон молия тизимида тутган ўрни муҳим ва у халқаро капитал ҳаракатини рағбатлантиришга хизмат қилади.*

### Мулоҳаза

Уларни ташкил этишдан асосий мақсад — мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларини кўпайтириш, банк, суғурта, инвестиция фондлари, қимматли қоғозлар бозори ва бошқа молиявий хизматларни такомиллаштириш. Шунингдек, мамлакатнинг глобал молия тизими билан боғлиқлигини кучайтириш ҳамда инвесторлар учун шаффоф, барқарор ва рақобатбардош бизнес муҳитини таъминлаш ҳамда молия, ҳуқуқ, аудит, консалтинг ва ахборот технологиялари соҳаларида юқори малакали мутахассисларга талабни ошириш каби катта мақсадлар ҳам кўзда тутилган. Ва умуман олганда, халқаро молия марказларининг стратегик мақсади мамлакатга капитал, технология, молиявий хизматлар ва юқори малакали кадрларни жалб этиш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда уни жаҳон молия тизимига чуқурроқ интеграция қилишдан иборат. Шу сабабли кўплаб давлатлар ўз миллий ривожланиш стратегияларида халқаро молия марказларини ташкил этиш ёки ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, БАА, Сингапур каби дунёнинг етакчи мамлакатлари ва Қозоғистон сингари ривожланаётган давлатларда молиявий марказлар етакчи ўринни эгаллайди.

Президентимизнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда ҳам иқтисодиётга чет эл капиталини жалб қилишни янада кенгайтириш, хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширияпти. Бу сингари инвестициявий иқлимни яхшилаш тадбирлари бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, 2026 йил 30 мартдаги "Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Президент Фармони Ўзбекистоннинг халқаро молиявий муносабатлардаги иштирокини янада кенгайтириш каби долзарб вазифани амалга оширишда муҳим дастур бўлди.

Унда "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ижросини таъминлаш, инвестициялар ҳажмини кескин кўпайтириш, капитал бозорини ривожлантириш ва илғор халқаро стандартларни жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистонни минтақавий ва халқаро молиявий хабга айлантириш вазифалари ҳам назарда тутилган.

→ 2

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Администрациясининг ҳуқуқий мақомини белгилашга, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга, интеллектуал мулк соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимча киритишга ҳамда халқаро конвенцияга Ўзбекистоннинг қўшилишига доир қатор қонун лойиҳалари ҳамда парламент назоратига оид масалалар кўриб чиқилди.*

*Кун тартибидаги ушбу масалалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталарда экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилингани урғуланди.*

### Президент Администрациясининг ҳуқуқий мақоми қонун даражасида белгиланмоқда

Мажлисда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда ваколатларини белгилаб берувчи "Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидлаш лозимки, янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ мамлакатимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар, давлатчилигимиз ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг самарали тизими яратилган. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Конституциямизда давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти асослари алоҳида бобларда батафсил баён этилган.

Конституциямизнинг XIX боби Ўзбекистон Республикасининг Президентига бағишланган бўлиб, унда Президент давлат бошлиғи мақомида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши, шунингдек, унинг мамлакат бошқаруви ва тараққиётини таъминлашдаги ўта муҳим ваколатлари мустаҳкамланган. Конституцияда белгиланган Президент ваколатлари ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, уларнинг самарали амалга оширилишини ташкилий, ҳуқуқий ва таҳлилий таъминлаш Президент Администрацияси зиммасига юклатилган.

Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 109-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини амалга оширишни ташкилий, ҳуқуқий, таҳлилий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини шакллантиради ҳамда унинг раҳбарини тайинлайди. Президент Администрациясининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколатлари қонун билан белгиланиши назарда тутилган.

→ 3



### Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига

*Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллик тарихий йўлига назар ташласак, энг катта бойлик ва улкан ютуғимиз — тафаккури теран, илмли, мамлакатимиз тақдири учун масъулиятни зиммасига олишга қодир янги авлод шаклланганы. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, агар биз Учинчи Ренессанс пойдеворини қурмоқчи бўлсак, бунинг учун, биринчи навбатда, инсон капиталини ривожлантиришимиз, олий таълим, илм-фан ва инновацияларни давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айлантиришимиз шарт.*

## Олий таълим тизими: ТАРИХИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Истиқлол йилларида, айниқса, сўнгги ўн йилда олий таълим тизимида улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ютуқлар фақатгина сон кўрсаткичларини кўтариш учун эмас, балки миллий ўзлигимиз, иқтисодий суверенитетимиз ҳамда глобал дунёдаги рақобатбардошлигимизни таъминловчи тизимли трансформация бўлди дейиш мумкин.

Замон шиддат билан ривожланмоқда. Дейлик, 2016 йилгача мамлакатимизда 77 та олий таълим муассасаси фаолият юритиб, мактаб битирувчиларини олийгоҳларга қамраб олиш даражаси атиги 9 фоизни ташкил этарди. Бу миллионлаб иқтидорли ёшларнинг билим олиш ва ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳуқуқини чеклаш билан бирга малакали кадрлар тақчиллигига олиб келарди.

Бугун эса вазият мутлақо бошқача. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ислоҳотлари ва сиёсий иродаси туфайли барча соҳа қатори, олий таълимда ҳам туб бурилишлар юз берди. Аввало, олий ўқув муассасалари сони кескин ўсди. Бу кўрсаткич сўнгги ўн йил ичида қарийб 3 баробар кўпайди. Талабалар сони эса 250 мингдан 1,7 миллионга етди. Ёшлар учун олийгоҳларга киришда танлов имконияти кенгайди.

Битирувчиларни олий таълимга қамраб олиш даражаси 44 фоиздан зиёдга етказилди. Мақсадимиз яқин йилларда ушбу кўрсаткични 50 фоизга етказишдан иборат. Қолаверса, тизимда соғлом рақобат муҳитини яратиш учун илк бор нодавлат (хусусий) олий таълим муассасаларига рухсат берилди. Айни пайтда юртимизда 60 дан ортиқ хусусий ОТМ муваффақиятли фаолият юритаётир.

Жаҳон андозаларидаги таълимни юртимизга олиб кириш мақсадида Буюк Британия, Италия, АҚШ, Жанубий Корея, Латвия, Россия, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг 30 дан ортиқ нуфузли университетларининг филиаллари очилди. Бу — юз минглаб оилаларнинг хонадонига кириб борган зиё, умид ва келажакка ишонч демак.

### Сифатни таъминлашнинг муҳим шарти

Олий таълим сифатини оширишнинг энг асосий шарти — олийгоҳларнинг эркинлиги. Шу маънода, дарс соатларидан тортиб тўлов-шартнома қиймати ҳамда штатлар жадвалигача белгилаб берадиган эски бюрократик тизимдан бутунлай воз кечилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 41 та нуфузли олий таълим муассасасига академик, молиявий ҳамда ташкилий мустақиллик берилди. Натижада ОТМ ўз даромадларини, яъни тўлов-шартнома ва илмий лойиҳалардан тушган маблағларни мустақил тасарруф этиш, профессор-ўқитувчиларнинг маошларини уларнинг илмий фаоллигига қараб бир неча баробаргача ошириш ваколатига эга бўлди.

→ 2

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ МАОШИ АНИҚ МЕЗОНЛАР АСОСИДА БЕЛГИЛАНАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Халқаро тажриба асосида 11 та разряд ва 6 та поғонадан иборат янги иш ҳақи сеткасини жорий этиш таклиф қилинди. Ўндан ортиқ устама ва мукофотлар ўрнига учта асосий рағбатлантириш тўлови жорий этилади.

Жумладан, малака даражаси, ходимнинг функционал вазифаларни бажариши, ижро ва меҳнат интизоми, ташаббускорлиги асосида баҳоланадиган самарадорлик кўрсаткичлари — KPI учун устама тўланади.

Шунингдек, муҳим ва мураккаб вазифаларни бажарган, инновацион ёндашувларни жорий этган ҳамда юқори натижа кўрсатган ходимларга ҳисобот даври якунлари бўйича бонус тўловлари бериш назарда тутилмоқда.

Ҳудудий бошқармалар ходимларининг иш ҳақи тегишли ҳокимликлардаги ўхшаш лавозимлар маошидан юқори бўлмайди. Туман ва шаҳарларда иш ҳақи ҳамда штат бирликларини белгилашда аҳоли сони ва ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади.

Энг муҳими, ҳар бир давлат хизматчиси иш ҳақи қандай шаклланиши, қайси натижа учун устама ёки бонус олишини олдиндан билади. Бу ходимларнинг самарадорлиги, ташаббускорлиги ва масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида адолат ва шаффофликни таъминлаш, иш ҳақини ходимнинг малакаси, масъулияти ҳамда эришган натижалари билан боғлаш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, бонус тўловлари ходимнинг илғор ахборот технологияларни, жумладан, сунъий интеллект, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштиргани, тажриба ва малакасини оширгани каби аниқ мезонлар асосида тўланиши белгиланди.

# САМАРАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тақдимотда агентликнинг бошқарув тузилмаси ҳам танқидий таҳлил қилинди.

Ҳозирда туман ва вилоят даражасида Кадастр агентлиги ҳамда Кадастр палатасининг алоҳида ҳудудий бўлинмалари мавжуд бўлиб, тизим амалда иккита раҳбар томонидан бошқарилмоқда.

Тизимдаги ходимларнинг 56 фоизини раҳбар ва назоратчилар, 44 фоизини эса бевосита ижрочилар ташкил этади. Ишга қабул қилиш жараёнларининг мураккаблиги сабабли 700 дан ортиқ иш ўринлари вакант қолмоқда. Ходимларнинг 40 фоизи ўз мутахассислиги бўйича ишламаяпти.

Қолаверса, вилоят даражасидаги раҳбарларга туман бўлинмалари раҳбарларига нисбатан интизомий чора кўриш ваколати берилмаган. Натижада ижрочи ходимларнинг иш юкламаси ортиб, меҳнатига ҳақ тўлаш даражаси пастлигича қолмоқда.

Шу боис кадастр хизматларини босқичма-босқич қуйи бўғинга тушириш ва ҳудудий бўлинмаларнинг ваколатларини кенгайтириш таклиф қилинди.

Республика даражасида ишлаётган ходимларнинг камида 30 фоизини туманларга ўтказиш, республика, вилоят ва туман даражасидаги Кадастр палатаси ва хизмат кўрсатиш тузилмаларини бирлаштириш назарда тутилмоқда. Бу орқали ҳудудий бўлинмаларнинг мустақиллиги ва масъулияти оширилади, хизматлар фуқароларга яқинлаштирилади.

Тузилмавий ўзгаришлар жараёнида аҳоли сарсон бўлмаслиги учун бир ҳафта муддатда “Кадастр маслаҳат бурчаги” ва “Тезкор кадастр” хизматларини йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Агентлик фаолиятини “битта ариза — битта тўлов” тамойили асосида ташкил этиш бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Янги тартибга кўра кўчмас мулкка ҳуқуқ пайдо бўлганида ариза автоматик равишда шакллантирилиб, проактив хизмат кўрсатилади. Бу орқали бир йилда 1 миллион 200 минг нафар аризачининг вақти ва маблағи тежалади. Кадастрга оид барча хизматларни битта ариза асосида кўрсатиш йўлга қўйилиб, йилига 200 мингта ортиқча ариза қисқартирилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш жараёни тўлиқ онлайн шаклга ўтказилади. Натижада йилига 500 мингта аризани амалдаги 10 — 15 кун ўрнига бир неча сонияда рўйхатдан ўтказиш имконияти яратилади.

Жумладан, ноқонуний қурилиш ихтиёрий равишда бартараф этилганда жавобгарликни енгиллаштириш таклиф қилинди. Шунингдек, кўчмас мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган муддатда ариза берилмаган ҳолатда биринчи марта жарима ўрнига огоҳлантириш бериш назарда тутилмоқда.

Мутасаддиларга хизматларни соддалаштириш, ортиқча босқич ва тўловларни қисқартириш, қарор қабул қилиш ваколатларини қуйи бўғинга тушириш ҳамда соҳа ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

1

Белгиланган вазифалар ижросини самарали олиб боришга қаратилган “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг мақсади ҳам Тошкент халқаро молия марказининг алоҳида ҳудуд сифатидаги мақомини ва унинг манзилида амал қиладиган махсус ҳуқуқий режимни белгилаш ҳамда марказнинг фаолият кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонун билан мустаҳкамланган махсус ҳуқуқий режим марказ ҳудудида инвесторлар учун қулай ва барқарор муҳит яратади. Бу ерда банк ва инвестиция фаолияти, суғурта, қимматли қоғозлар бозори, тўлов тизимлари, исломий молия, молиявий технологиялар, аудиторлик, консалтинг ва юридик хизматлар каби фаолият турларини амалга ошириш тартиби ҳам белгиланмоқда. Солиқ ва божхона йўналишларида махсус имтиёзлар, шунингдек, хорижий инвесторлар ва мутахассислар учун қулайликлар яратиш, хусусан, марказ иштирокчилари ва уларнинг ходимлари хорижий валютада ҳисоб-китобни амалга ошириши мумкинлиги, даромадни чекловларсиз репатриация қилишга ҳақли эканлиги кўзда тутилмоқда.

Ушбу тадбирлар хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро инвесторлар учун қулай ҳуқуқий ва молиявий муҳит яратилишига ҳамда банк, суғурта, инвестиция ва қимматли қоғозлар бозорининг кенгайишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тошкент халқаро молия маркази молиявий хизматлар учун жозибадор, рақобатбардош ва шаффоф муҳитни яратиш ҳамда ушбу молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали иқтисодиётимизга, жумладан, миллий стратегик лойиҳалар, инфратузилма, энергетика, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ва биргаликдаги инвестиция лойиҳаларига



маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этишни асосий мақсад қилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар ва бошқа капитал бозорларини ривожлантириш, уларнинг халқаро капитал бозорлари билан интеграциялашувини рағбатлантириш, жумладан, банк хизматлари, суғурта, исломий ва исломий бўлмаган молия фаолияти, молиявий технологиялар, рақамли активларни ривожлантириш ҳамда диверсификация қилиш ҳам унинг устувор вазифалари сирасига киради.

Бундан ташқари, марказ фаолияти натижасида молия, ҳуқуқ, аудит, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда юқори малакали мутахассисларга талаб ошади ҳамда янги иш ўринлари яратилади.

Марказнинг ўзига хос яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу ҳудудда юзага келадиган иқтисодий ва тижорат низоларини ҳал қилиш учун махсус Халқаро тижорат суди фаолият юритади. Бу ҳам ушбу тузилмага бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди. Марказ иштирокчиларининг маблағлари ва активларини ҳимоя қилишга оид нормалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқ амалга оширилади ва ушбу нормалар янада аниқ, ҳуқуқий жиҳатдан асосланган, амалиётда қўллаш учун қулай шаклда белгиланган.

Ушбу ҳужжат билан Халқаро молия марказида кўрсатиладиган молиявий хизматлар ва амалга ошириладиган фаолият турлари алоҳида гуруҳларга ажратилган ҳолда олиб борилиши, шунингдек, мазкур ҳудудда инглиз ҳуқуқини қўллашнинг аниқ тартиблари, марказ томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилган.

Солиқ резидентлиги дастури ва ундан фойдаланиш шартлари, минимал инвестиция мезонлари, маблағларнинг келиб чиқиши, бенефициар эгалик, солиқ резидентлиги тарихи ҳамда санкциялар билан боғлиқ талаблар ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган.

Эркин капитал ҳаракати ва даромадларни репатриация қилиш тамойиллари сақлаб қолингани ҳолда ушбу механизмлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан уйғун ҳолда ишлаши ва бу орқали инвесторлар учун қулайликлар яратиш билан бирга мамлакат молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган зарур кафолатлар ҳам мустаҳкамланган. Молиявий хизматлар бошқармасининг ваколатлари, жумладан, лицензиялаш, пруденциал назорат, корпоратив бошқарув, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, молия бозорида қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат ҳамда ҳуқуқни қўллаш механизмлари ҳам халқаро молия марказлари тажрибаси асосида батафсил баён этилган.

Конституциявий Қонун Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш, капитал бозорини ривожлантириш, илғор молиявий технологияларни жорий этиш ва мамлакатимизни Марказий Осиёдаги етакчи халқаро молия марказларидан бирига айлантириш йўлида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси.**

# ИЛМИЙ ФАОЛИЯТДА ТАШАББУС ВА МАСЪУЛИЯТ МУВОЗАНАТИ

*Бугунги кунда олий таълим муассасаларида илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини ошириш, илм-фан натижаларини иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ривожига йўналтириш эътибордаги муҳим масалалардан саналади. Айни мавзулар олий ўқув юртлари ташаббуслари билан ўтказилаётган илмий анжуманларда ҳам ҳар томонлама муҳокама қилинмоқда.*

**Семинар**

Куни кеча Бухоро давлат техника университетида олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари учун республика ўқув семинари ташкил этилди. Илмий анжуманда соҳадаги устувор вазифалар ва халқаро тажриба атрофлича кўриб чиқилди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Маматкаримов онлайн иштирок этди ва ўз сўзида илм-фан ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантиришда парламентнинг ўрни, қонунчиликни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталди.

Хусусан, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунга киритилиши таклиф этилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берилди. Қонун лойиҳасида соҳада ягона тушунчалар тизимини жорий этиш, илмий фаолиятда эркинлик ва масъулият мувозанатини таъминлаш, илмий натижаларни тижоратлаштириш, олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион имкониятларини кенгайтириш, илмий кадрлар тайёрлашни миллий эҳтиёжлар билан боғлаш ҳамда илм-фан соҳасини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш назарда тутилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, олий таълим муассасаларининг илмий фаолиятини фақат мақолалар ва лойиҳалар сони билан эмас, балки яратилган технологиялар, ишлаб чиқаришга жорий этилган ишланмалар, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий самараси билан баҳолаш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар олий таълим муассасасининг илмий стратегиясини белгилайдиган, илмий жамоаларни бирлаштирадиган, ҳудуд ва тармоқлар муаммоларини илмий вазифаларга айлантирадиган ҳамда тадқиқотларни амалий натижага олиб чиқадиган стратег раҳбар бўлиши лозим.

Семинар давомида қонун лойиҳасини илмий жамоалар иштирокида муҳокама қилиб, уни такомиллаштириш борасидаги таклифларни ишчи гуруҳга тақдим этиш юзасидан фикр алмашилди.

**«Халқ сўзи».**

## Олий таълим тизими:

# ТАРИХИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

1

Университетлар замонавий лабораториялар барпо этмоқда, кутубхона фондини халқаро илмий базалар (“Scopus”, “ScienceDirect”) билан бойитяпти, хориждан юқори малакали олимларни жалб қилмоқда.

Университетлар меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб мустақил ўқув режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқаётгани қувонарли, албатта. ОТМнинг барчасида Европа кредит ўтказиш тизими — “ECTS” (Credit-Module System) жорий қилинди. Бу талабаларимизнинг хорижий олийгоҳларда ўқишини давом эттириши (мобиллик) ва дипломларимизнинг халқаро миқёсда тан олинишини таъминлаётир.

Айтиш керакки, мустақилликнинг дастлабки йилларида академик илм-фан ҳамда олий таълим ўртасида узилиш бўлди. Илм-фан алоҳида, олийгоҳлар алоҳида дунёда яшарди. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ташкил этилиши бу икки соҳани бирлаштирди. Бугунги кунда “таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш” учлигини узвий боғловчи тизим яратилди. ОТМ ҳузурида инновацион технопарклар ва стартап марказлари очилди. Талабалар ҳамда ёш олимларнинг илмий ишланмаларини тижоратлаштириш учун давлат грантлари тизими йўлга қўйилди. Сўнгги йилларда олийгоҳларда яратилган юзлаб ишланмалар саноат корхоналарига сотилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ қилинди.

Илмий кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ этилди. Докторантурага қабул квоталари йилдан-йилга оширилмоқда. Энг муҳими, илмий тадқиқотлар мамлакатимизнинг реал иқтисодий муаммолари — сув тақчиллиги, экология, муқобил энергетика, агротехнологиялар ва киберхавфсизлик масалаларини ҳал қилишга йўналтирилган.

Эътиборлиси, миллий университетларимиз жаҳон миқёсида тан олиняпти. Илгари биронта ҳам ўзбек олийгоҳи халқаро рейтингларда кўринмас эди. Бугунги кунда олиб борилган тизимли ислоҳотлар натижасида юртимизнинг қатор нуфузли университетлари — Ўзбекистон Миллий университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети, Тошкент давлат техника университети



ва бошқалар нуфузли “QS” (Quacquarelli Symonds) ҳамда “THE” (Times Higher Education) халқаро рейтингларининг “ТОП — 1000”талиги ва минтақавий рейтингларидан мустаҳкам жой олиб келаётир. Албатта, бу кўрсаткичлар билан чекланиб қолмаймиз. 2030 йилга қадар камида ўнта олий таълим муассасасини дунёнинг энг кучли 500 та университети қаторига киритишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Айни пайтда мамлакатимиз ОТМда таҳсил олаётган хорижлик талабалар сони ўн баробар ошди. Бу олий таълим экспорти ривожланаётганининг яққол далили.

### Жамиятда қадр топган педагоглар

Президентимизнинг сиёсий иродаси билан соҳада қарор топган яна бир адолат шуки, педагог ва ўқитувчилар жамиятда чинакамига қадр топяпти. Яширишнинг ҳожати йўқ, кўп йиллар давомида ўқитувчига эътибор борасида сўз бошқа, иш бошқа бўлган кезларни бошдан ўтказдик. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки кераксиз ва ҳимоясиз қатламга айланиб қолганди.

Педагоглар ва ўқитувчиларнинг асосий вазифаси бир четда қолиб, уларни ўзларига мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз отди. Янада очиқроқ айтсак, муаллимларнинг “хўжайини” кўпайиб кетди. Бундай тизим нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг ўз касбига муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Дейлик, яқин-яқингача ўқитувчи-муаллимлар, айрим жойларда ўқувчилар ҳам тўрт ойлаб пахта йиғим-терими, чопиқ ҳамда яганага чиқарилгани сир эмас. Натижада ўқитувчи бир ойда ўртача 80 соат дарс ўтиши керак бўлса, тўрт ойда 320 соат йўқотадиган вазият вужудга келди. Яратганга шукрки, бундай салбий ҳолатлар, айниқса, “пахта қуллиги” энди тарихда қолди. Ҳамма соҳа ўз эгасига, жумладан, қишлоқ хўжалиги ҳам фермер ва кластерларга топширилгани туфайли эзгу мақсадларга эришилди.

Янги Ўзбекистоннинг олий таълим сиёсати инсон қадрини улуғлаш ва ижтимоий адолат тамойиллари устига қурилган. Бу борада хотин-қизларнинг олий маълумот олиши учун яратилган шароитларни дунёнинг ҳеч бир мамлакатида учратиш қийин. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан давлат ОТМнинг магистратура босқичида таҳсил олаётган барча хотин-қизларнинг тўлов-шартнома пуллари тўлиқ Давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилмоқда. Бу олий маълумотли аёл олимлар қатламини шакллантиришга хизмат қилувчи тарихий қарордир. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан бўлган хотин-қизлар учун олийгоҳларга киришда алоҳида 4 фоизли квоталар ажратилди. Шунингдек, хотин-қизлар учун фоизсиз 7 йиллик таълим кредитлари тизими жорий этилди. Юзлаб замонавий талабалар тураржойлари қурилиб фойдаланишга топширилгани эса илм изланувчилари учун катта туҳфа бўлди.

### Таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлашуви

Олий таълим фақатгина назариядан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Шу сабабли касб-ҳунар ва профессионал таълим (техникумлар, коллежлар ва касб-ҳунар мактаблари) олий таълим ҳамда ишлаб чиқариш билан узвий боғланди. Германия ва Швейцария тажрибаси асосида жорий этилган дуал таълим модели доирасида ўқувчилар ҳафтанинг бир қисмини олийгоҳ ёки техникумда назарий билим олиш билан, қолган қисмини эса бевосита “Ўзметкомбинат” АЖ, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ каби саноат гигантларида амалиёт ўташ ҳамда ишлаш билан ўтказмоқда. Бу тизим битирувчиларга қўлига диплом олган куниданоқ кафолатланган иш жойи ва муносиб маошга эга бўлиш имконини бераётир.

Узоқ йиллар давомида қоғозбозлик ва сунъий тўсиқлар билан банд бўлган олий таълим тизимида бу иллатни қуритиш учун соҳа тўлиқ рақамлаштирилди. Олий таълим жараёнларини бошқаришнинг ягона “HEMIS” (Higher Education Management Information System) платформаси ишга туширилди. Эндиликда талабаларнинг давомати, баҳолари, дарс жадваллари ва баҳолаш дафтарчалари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Бу билан баҳолаш тизимида коррупциявий хавфлар бартараф этилди. Битирувчиларга дипломларнинг QR-кодли электрон шакли берилмоқда, бу эса иш берувчиларга дипломнинг ҳақиқийлигини сониялар ичида текшириш имконини яратди.

Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан ишлаб чиқилган ҳамда ҳаётга татбиқ этилиши кўзда тутилган Ягона миллий имтиҳон тизими мактаб битирув имтиҳонлари ва ОТМга кириш синовларини бирлаштиришни назарда тутади. Ушбу тизимга кўра, мактаб битирувчиси умумий ўрта таълим мактабини тамомлаш вақтида топширадиган имтиҳон натижалари бир вақтнинг ўзида олий таълим муассасаларига кириш учун ҳам асос сифатида қабул қилинади. Имтиҳонлар мактаб синф хоналарида маҳаллий ўқитувчилар назоратида эмас, балки махсус жиҳозланган, видеокузатув ҳамда хавфсизлик тизимлари билан таъминланган марказларда мустақил баҳоловчи ташкилот — Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказилади. Тест ва ижодий саволлар базаси халқаро “PISA” ҳамда “PIRLS” баҳолаш дастурлари талабларига мослаштирилиб, ўқувчининг шунчаки қуруқ фактларни ёдлаб қолганини эмас, балки маълумотни таҳлил қила олиш ва мантиқий фикрлаш қобилиятини синайди. Яна ҳам эътиборлиси, битирувчи икки марта эмас, бир марта марказлашган имтиҳон топширади. Бу ўсмирнинг соғлиги, руҳияти ҳамда вақтини асрайди.

Президентимизнинг яқинда ўтказилган йиғилишларда берган топшириғига кўра, олий ва касбий таълим тизимига сунъий интеллект (СИ) технологиялари фаол киритилмоқда. Мамлакатимизда IT-парклар ва IT-академиялар тармоғи кенгайтирилди. Мактаблардаги “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси юз минглаб ёшларга кодлаш ва дастурлашни бепул ўрганиш имконини берди. Олий таълим ташкилотларида илмий лойиҳаларни бошқариш ва талабаларнинг ўзлаштириш даражасини сунъий интеллект ёрдамида аниқловчи тизимлар синовдан ўтказилмоқда.

Аёнки, инсоннинг онги ҳамда дунёқараши, фикри ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаган жойда ҳеч қандай ижобий натижа ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Одамларнинг онгу тафаккурини ўзгартирувчи куч эса, аввало, ўқитувчи-мураббийлар, олийгоҳ профессорлари, илм-фан арбоблари, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларидир. Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак. Албатта, халқимизнинг мардона меҳнати, ўқитувчи ва мураббийларнинг жонбозлиги туфайли таълим соҳасини тубдан модернизациялаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Аммо булар катта мақсад йўлида ташланган дастлабки қадамлар холос.

### Мақсадимиз — сонда эмас, сифатда етакчи бўлиш

Америкалик машҳур сиёсатчи ва олим Бенжамин Франклин шундай деган эди: “Билимга киритилган сармоя ҳамиша энг юқори фоизли даромад келтиради”. Шу маънода, Ўзбекистонда кейинги йилларда таълим соҳасида ташланаётган барча қадамлар, тизимли ислоҳотлар, Ягона миллий имтиҳон тартибининг жорий этилиши ва дуал таълимнинг ҳаётимизга кириб келиши — давлатимизнинг ўз келажаги, истиқболи учун тикилаётган энг тўғри сармоя. Албатта, олдимизда ҳали йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар, инфратузилма етишмовчилиги ҳамда кадрлар сифати билан боғлиқ кўплаб мураккаб вазифалар турибди. Бироқ энг муҳими, давлат ва халқда бу ислоҳотларни охиригача етказиш учун кучли сиёсий ирода ҳамда қатъий ишонч бор.

Бош мақсадимиз — сонда эмас, сифатда етакчи бўлиш. Шу боис ОТМни халқаро аккредитациядан ўтказиш талаби қатъий қўйилмоқда.

Ҳозир замонавий технологиялар ҳамда сунъий интеллект асрида яшаяпмиз. Ўқитувчиларимизнинг ўз устида ишлаши, хорижий тилларни билиши ва замонавий интерфаол методларни ўзлаштириши давр талабига айланган. Шу сабабли педагог кадрларни қайта тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартиришимиз зарур. Илмий тадқиқотларимиз ҳали ҳам кўп ҳолларда назарий характерда қолмоқда. Илмий ишланмаларнинг иқтисодиётга реал фойда келтиришини, саноат билан мустаҳкам кўприклар қуришни таъминлашимиз керак деб ўйлайман. Қолаверса, халқаро таълим стандартлари асосида ўрта махсус, касбий ва олий таълим дастурларини жорий этиш, нуфузли хорижий университетлар билан академик ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишни режалаштиряпмиз.

Масалан, ҳозирда минглаб ўзбекистонлик талабалар Буюк Британия ва бошқа ривожланган давлатларда ўқиши учун йилига 50 минг долларгача маблағ сарфламоқда. Кўзда тутилаётган янги тизимга кўра “1+3”, “2+2” ёки “3+1” моделлари таклиф этилмоқда. Бу таълимни уйдан чиқмасдан, халқаро стандартларда олиш имконидир. Талаба ўқишнинг бир қисмини Ўзбекистонда бошлаб, дипломни хорижий ҳамкор университетдан олади. Бу талабаларнинг молиявий юкини ўн баробаргача камайтириб, валюта маблағларининг мамлакатдан чиқиб кетишини тўхтатади.

Шу билан бирга, “2+3”, “1+2”, “2+2” каби моделлар таълим поғоналарини бирлаштириш (мактаб — техникум — олийгоҳ) имконини беради. Бу тизим битирувчини мутахассис сифатида тезроқ шакллантиришга хизмат қилади. Масалан, техника ва технологияларга қизиққан йигит-қиз 9-синфдан кейин техникумга кириб икки йилда амалий кўникма олади, кейин эса университетда қисқартирилган дастур асосида олий маълумотли муҳандисга айланади.

Ўтган 35 йил давомида, айниқса, сўнгги ўн йилликдаги шиддатли ислоҳотлар даврида Ўзбекистон олий таълим тизими консерватив ва ёпиқ тизимдан дунёга очиқ, жадал ривожланаётган, юқори технологик ҳамда ижтимоий йўналтирилган кучга айланди. Президентимиз бошчилигида олий таълим тизимидаги барча саъй-ҳаракатимиз, ислоҳотлар ҳамда туб ўзгаришларнинг олий мақсади — сифатли таълим олган, юксак маънавиятли ва мустақил фикрлайдиган ёшларимизни Учинчи Ренессанснинг ҳақиқий драйверларига айлантириш.

**Қўнғиротбой ШАРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири.**

**Президентимиз қарорига кўра, ички ишлар органларининг Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари «Вақтинчалик бошпана ва ижтимоий тикланиш марказлари» деб қайта номланади.**

**Сенат қўмитасида**



## КУН ТАРТИБИДА — МУҲИМ ВА ҲАЁТИЙ ҚОНУНЛАР МУҲОКАМАСИ

*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида жиноят процессида адвокат ҳуқуқларини кенгайтириш, прекурсорлар муомаласи ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда ҳуқуқий ахборотни аҳолига проактив етказишга қаратилган қонунлар муҳокама қилинди.*

Дастлаб Олий суд томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун билан Жиноят-процессуал кодекси ҳамда "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги тамойилини таъминлаш, одил судловни амалга оширишда адвокатнинг ролини кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин ҳимоячига беш сутка муддат ичида ҳимоя фикрини тақдим этиш ҳуқуқи берилмоқда. Худди шундай тартиб Жиноят-процессуал кодексига ҳам янги норма сифатида киритилмоқда.

Қонун билан айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси тасдиқланиб, жиноят иши прокурор томонидан судга юборилаётганда ҳимоя фикри ҳам тегишли судга илова қилиниши белгиланмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши суд ишларини юритишда ҳимоя тарафининг ҳуқуқларини кенгайтиришга ҳамда мамлакатимизнинг халқаро рейтингларда, хусусан, Ҳуқуқ устуворлиги индексининг Жиноий одил судлов индикаторидаги ўрнини яхшилашга ҳисса қўшиши сенаторлар томонидан алоҳида қайд этилди.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик белгилашга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи янги норма киритилмоқда. Ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такроран содир этилганда Жиноят кодексида жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутиляпти.

Шу билан бирга, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ушбу тоифадаги ишларнинг тегишлилиги ва уларни кўриб чиқиш ваколатларини аниқ белгилашга қаратилган ўзгартиришлар ҳам назарда тутилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг ҳаётга татбиқи прекурсорлар ноқонуний муомаласининг олдини олиш, синтетик гиёҳвандлик воситалари ишлаб чиқарилишига қарши курашиш самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг соғлиғини муҳофаза этиш ҳамда мамлакатда наркотик воситаларнинг қонунга хилоф айланмасига қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кейинги масала — "Ҳуқуқий ахборотни проактив шаклда етказиш тизими жорий этилиши муносабати билан "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун бўлди.

Ушбу ҳужжат билан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда "проактив қонунчилик" ҳамда "ақлли тарғибот" тизимлари асосида ахборотни манзилли ва мақсадли етказиш тизими ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Вазирлик ва идоралар ўз фаолият соҳасига оид ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ижрочилар ва аҳолига тушунтириш учун бевосита масъул этиб белгиланмоқда.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари "Ijro.gov.uz" ва "Рақамли маҳалла" платформалари орқали босқичма-босқич етказилиши назарда тутилмоқда.

Жумладан, рақамли платформалар, мобиль иловалар ва сунъий интеллект асосидаги интерфаол тизимлар орқали аҳолига ҳуқуқий ахборот ва маслаҳатлар етказиш ҳуқуқий тарғиботнинг янги усуллари сифатида белгиланмоқда.

Бундан ташқари, "Lex.uz" базасида ҳужжатлар матни билан танишиш, уларнинг нусхаларини олиш, қидирув хизматларидан ҳамда тизимга жойлаштирилган қонунчилик ҳужжатларига доир расмий тушунтириш ва бошқа шарҳлардан фойдаланиш бепул бўлиши кўзда тутилмоқда.

Муҳокама чоғида сенаторлар ушбу қонун мамлакатимизда ҳуқуқий ахборот сиёсатини янги босқичга кўтариш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда инновацион, манзилли ёндашувларни жорий этиш орқали аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга ва ўз ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини тўғри англашига хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди.

Йиғилиш якунида қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

1 Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, Президент Администрациясининг давлат бошқаруви тизимидаги ўрни, ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишларини Конституциявий қонун даражасида белгилашга қаратилган.

Лойиҳада Администрация Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилиши, шунингдек, Администрацияга Президент томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Администрация раҳбари бошчилик қилиши белгиланмоқда.

Администрациянинг мақоми, фаолиятининг асосий принциплари, таркибий тузилиши ва фаолиятини ташкил этиш тартиби, унинг давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқалари, Администрациянинг мансабдор шахслари, бошқарув ва хизматчи ходимлари фаолиятининг кафолатлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан Администрациянинг давлат органлари ҳамда ташкилотларининг комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари билан алоқалари очиб берилган.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда халқаро ва хориж тажрибаси ўрганиб чиқилган. Хусусан, АҚШ, Финляндия, Чехия, Словакия, Руминия, Латвия, Тайвань, Қозоғистон, Туркманистонда Президент администрацияси (канцелярияси, офиси)нинг ҳуқуқий мақоми алоҳида қонунларда белгиланган.

Мазкур Конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Президент фаолиятини ташкилий, ҳуқуқий ва таҳлилий жиҳатдан таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда бошқарув жараёнларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳокама якунига кўра, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Давлат тузилмалари ходимларининг формали кийим-бошини ўзбошимчалик билан кийиб юриш ҳолатларининг олди олинади

Депутатлар давлат тузилмалари ходимларининг формали кийим-бошини қонунга хилоф равишда кийиб юриш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда айрим ташкилотлар, идоралар, ҳатто айрим фуқаролар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган формали кийим-бошга адаштириб юбориш даражасида ўхшаш кийим-бошларни кийиб юриш ёки айрим ташкилотлар томонидан ўз ходимлари учун шундай кийим-бошларни жорий этиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бу эса фуқароларни чалғитиши, давлат органлари обрўсига салбий таъсир кўрсатиши ҳамда айрим шахсларга ўзини давлат органи ходими сифатида кўрсатиб, одамлар ишончини суиистеъмол қилиш имкониятини яратиши мумкин. Натижада ҳақиқий давлат хизматчисини бошқа шахсдан ажратиш қийинлашади.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга давлат органларининг тасдиқланган ҳарбий ёки идоравий формали кийим-бошига адаштириб юбориш даражасида ўхшаш ҳамда унга хос фарқловчи белгилар ва (ёки) рамзларга эга формали кийим-бошни кийиб юрганлик ёки жорий қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш таклиф этилмоқда. Ушбу нормалар, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, давлат органларига бўлган ишончни мустаҳкамлашга қаратилган.

**Улуғбек ШЕРМАТОВ,**
**Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:**



*— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида унинг нормалари қўмитамиз, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирокида батафсил муҳокамадан ўтказилиб, депутатлар таклифлари асосида ҳужжат матни янада такомиллаштирилди. Унинг қабул қилиниши формали кийим-бошлар билан боғлиқ қоидаларни янада тартибга солишга, уларни қонунга хилоф равишда кийиб юриш ҳолларининг олдини олишга, мазкур қилмишларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.*

Қизғин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

## Вояга етмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда

Мажлисда "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Унда Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда "Йўл ҳаракати тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, Жиноят кодексида вояга етмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш натижасида фуқаронинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган, одам ўлими ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан ҳолларда транспорт воситасини топширган шахсга жиноий жавобгарлик белгилаш таклиф қилинмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда вояга етмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш, автомототранспорт воситалари пойгасини ноқонуний ташкил қилиш ва унда иштирок этиш, юк транспорт воситаларини тунги вақтда йўл ҳаракати иштирокчиларига хавф туғдирадиган ҳолатда йўл четида қолдириш, транспорт воситасини ҳисобдан чиқариш тартибини бузиш, белгиланган тезликни 80 километр/соатдан оширганлик учун алоҳида ва кучайтирилган жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, маъмурий жазонинг янги тури — автомототранспорт воситасини олти ойдан бир йилгача муддатга вақтинча олиб қўйиш чорасини жорий этиш таклиф қилинмоқда. Мазкур жазо йўл безорилиги, ноқонуний пойга уюштириш, транспорт воситаларини мастлик ҳолатида бошқариш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаш каби қилмишлар транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс томонидан содир қилинганда қўлланилиши белгиланмоқда. Ушбу жазо чораси қонунда назарда тутилган ҳолларда жиноят ишлари бўйича туман ёки шаҳар суди томонидан қўлланилади.

Қонун лойиҳасида транспорт воситасини мастлик ҳолатида бошқариш ёки тегишли текширувдан ўтишдан бўйин товлаш учун белгиланган жазо чораларини такомиллаштириш, шунингдек, айрим қўпол қоидабузарликлар такроран содир этилганда жаримани чегирма билан тўлаш тартибини муайян муддат давомида қўлламаслик ҳам назарда тутиляпти.

Депутатлар қонун лойиҳасининг асосий мақсади жазоларни кучайтириш эмас, аввало, хавфли ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳайдовчиларнинг масъулиятини ошириш ва йўлларда инсон ҳаёти устуворлигини таъминлашга қаратилганини таъкидлашди.

Мунозаралар давомида "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Дилмурод Исмоилов транспорт воситасини вақтинча олиб қўйиш тартибини жорий этишдан аввал уни сақлаш билан боғлиқ барча ташкилий ва ҳуқуқий масалалар пухта ўйланган бўлишини, фуқароларнинг мол-мулки безиён сақланиши тўлиқ кафолатланиши лозимлигини қайд этди.

Депутат қонун лойиҳасида транспорт воситасини олти ойдан бир йилгача муддатга вақтинча олиб қўйиш назарда тутилган экан, бу давр мобайнида уларни сақлаш учун зарур инфратузилма мавжудлигига ҳам аниқлик киритиш кераклигини билдирди. Шу билан бирга, транспорт воситаларини сақлаш учун барча талабларга жавоб берадиган махсус майдонлар етарли бўлиши, уларда хавфсизлик, техник жиҳозланганлик ҳамда ёғингарчилик ва бошқа ташқи таъсирлардан ишончли муҳофаза қилиш чоралари тўлиқ таъминланган бўлиши зарурлигини айтди. Қонун ташаббускорлари кўтарилган мазкур масала юзасидан батафсил тушунтиришлар бериб ўтди.

**Улуғбек ҚОБУЛОВ,**
**Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:**



*— Айрим фуқароларнинг транспорт воситаларини вояга етмаган шахслар бошқарувига топшириши йўл-транспорт ҳодисалари, инсонларнинг турли даражада жароҳат олиши ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳужжат йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғини ишончли ҳимоя қилиш, қўпол қоидабузарликлар учун жавобгарликнинг таъсирчанлиги ва муқаррарлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини таъминлашга, оғир оқибатли аварияларнинг олдини олишга хизмат қилади.*

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Патент вакилларининг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтириляпти

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги масала — интеллектуал мулк объектларининг фуқаролик муомаласидаги айланмасини ошириш ҳамда патент вакилларининг ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонунчиликда интеллектуал мулк объектларига оид айрим тартиб-таомилларнинг мураккаблиги, интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласига тўлақонли жалб этишга тўсқинлик қилаётган омиллар, шунингдек, улардан гаров предмети сифатида фойдаланиш механизмларининг етарлича ривожланмагани мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Ушбу ҳужжат мамлакатда интеллектуал мулк соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада ошириш, интеллектуал мулк объектларини фаол фуқаролик муомаласига киритиш, патент вакилларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан интеллектуал мулк гаровида унга доир мулкий ҳуқуқларнинг бекор қилиниши ёки қийматининг пасайиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар аниқ тартибга солинмоқда. Қолаверса, патент вакилларининг интеллектуал мулкка оид ишлар бўйича судларда шартнома асосида (ихтиёрий) вакил сифатида иштирок этиши мумкинлиги белгиланмоқда. Шунингдек, ҳужжат билан давлат хизматлари марказлари орқали интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар топшириш имконияти ҳам яратилмоқда. Бу эса интеллектуал мулкни рўйхатдан ўтказиш жараёни аҳоли, тадбиркорлар учун содда ва қулай бўлишига хизмат қилади.

**Беҳзод ТЎХТАМУРОДОВ,**
**Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:**



*— Сўнгги йилларда мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш бўйича ишлар изчил олиб борилмоқда. Ушбу ҳужжат ҳам интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини соддалаштиришга, уларнинг мулкий ҳуқуқларидан гаров сифатида фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида интеллектуал мулк объектларининг бозор қиймати ва фуқаролик муомаласидаги иштироки ошиб, тадбиркорлар, ихтирочилар, ижодкорлар ва бошқа ҳуқуқ эгалари учун рўйхатдан ўтказиш жараёнлари енгиллашади.*

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Халқаро тижорий низолар медиация орқали ҳал этилади

"Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг медиация натижасида эришилган халқаро келишув битимлари тўғрисидаги конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда халқаро савдо-иқтисодий муносабатлар тобора кенгайиб, турли давлатларда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган низоларни тез ва самарали ҳал этишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.

Медиация ана шундай низоларни судга мурожаат қилмасдан, холис воситачи кўмагида тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этиш имконини беради. Бу тарафларнинг вақт ва маблағини тежаш, ортиқча суд харажатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистоннинг "Медиация бўйича Сингапур конвенцияси" номи билан танилган халқаро ҳужжатга қўшилиши назарда тутилмоқда. Мазкур конвенция халқаро тижорий низолар бўйича медиация натижасида тузилган келишувларни иштирокчи давлатларда тан олиш ва ижро этишнинг ягона ҳуқуқий механизмларини белгилайди.

Хусусан, Ўзбекистон тадбиркори хорижий ҳамкори билан келиб чиққан низони медиация орқали ҳал қилиб, келишувга эришган тақдирда, бу келишувни конвенция иштирокчиси бўлган бошқа давлатда ижро этиш имконияти енгиллашади. Натижада тарафларнинг келишувни бажартириш учун низони қайтадан судда кўриб чиқишга бўлган эҳтиёжи камаяди.

Қонун лойиҳасида конвенцияни қўллаш билан боғлиқ айрим шартларни белгилаш ҳам назарда тутилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси, давлат органи ёки давлат органи номидан ҳаракат қилувчи шахс тараф бўлган келишувларга конвенция қоидаларини татбиқ этмаслик таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, конвенциянинг фақат келишув тарафлари ўз муносабатларига нисбатан қўллашга розилик билдирган тақдирдагина татбиқ этилиши белгиланяпти. Бу эса тадбиркорлик субъектларига мазкур халқаро механизмдан фойдаланиш масаласини мустақил ҳал қилиш имконини беради.

Мажлисда ушбу конвенцияга қўшилиш мамлакатимизда медиация институтини янада ривожлантириш, халқаро тижорий низоларни қисқа муддатда ва кам харажат билан ҳал этиш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясига хизмат қилиши қайд этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, хорижий инвесторларнинг миллий ҳуқуқий тизимга бўлган ишончини мустаҳкамлашга ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга кўмаклашиши таъкидланди.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, медиация натижасида эришилган келишувларни тан олиш ва ижро тартиби, шунингдек, уни миллий қонунчиликка татбиқ этиш механизмлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Адлия вазирига парламент сўрови юборилди

Депутатлар адлия вазири А. Тошқуловга "Аҳолига нотариат соҳасидаги хизматларнинг сифатли ва шаффоф тарзда кўрсатилишини ҳамда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида" Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда нотариат институтини такомиллаштириш, аҳолига қулай хизматлар кўрсатиш ва соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими, "E-notarius.uz" портали, "Face-ID" ва "Mobile-ID" имкониятлари жорий этилди. Айрим нотариал ҳаракатларни видеоконференцалоқа орқали масофадан расмийлаштириш учун шароит яратилди.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларида фуқаролар билан ўтказган мулоқотлари ва учрашувлари давомида айрим ҳудудларда бир хил ҳуқуқий муносабатларга нисбатан турлича нотариал амалиёт шаклланаётгани, қонун нормаларининг ягона ёндашув асосида қўлланилиши тўлиқ таъминланмаётгани аниқланган.

Шунингдек, нотариат тизими билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат архивлари, кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ва хориждаги консуллик муассасаларининг ахборот ресурслари ўртасида тўлиқ электрон интеграция таъминланмагани фуқаролар учун ортиқча оворагарчиликларни келтириб чиқараётгани маълум бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, нотариат соҳасида қонунларнинг республика бўйлаб бир хил қўлланилишини таъминлаш, нотариуслар фаолиятига услубий раҳбарликни кучайтиришга қаратилган чоралар, ҳуқуқий ва техник тусдаги хизматларнинг ҳуқуқий табиати, иқтисодий асосланганлиги ҳамда уларнинг қийматини белгилаш мезонлари, давлат органларининг ахборот тизимлари ўртасида тўлиқ электрон интеграцияни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш ҳақида адлия вазирига парламент сўрови юборилди.

**«Халқ сўзи».**

# БУНЁДКОРЛИККА УНДОВЧИ ТУЙҒУ

1

## Ички имконият ва барқарор даромад

Бир пайтлар яшаш шароити етарли эмаслиги боис ҳувуллаб ётган даҳа бугун вилоятнинг энг жадал ривожланаётган нуқталаридан бирига айланди. Қисқа вақт ичида бу ерда Тошкент кимё халқаро университетининг Наманган филиали, Наманган давлат университети ҳамда Наманган давлат чет тиллар институтининг янги бинолари, Конгресс-холл, "China Town Namangan", "Orzu City" тураржой мажмуалари, "Янги Ўзбекистон" боғи, Ишбилармонлик маркази ва кўп қаватли уйлар қад ростлади. Бу эса ҳудудда режалаштирилган улкан бунёдкорлик ишларининг бошланишидир.

Айни пайтда тумандаги 24 маҳаллада 170 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Нуфус сонининг йилдан-йилга ортиши эса табиий равишда янги иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлаш ва одамлар даромадларини кўпайтиришни муҳим вазифалардан бирига айлантирмоқда.

Жорий йилнинг 31 март куни давлатимиз раҳбари иштирокида бўлиб ўтган Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишланган йиғилишда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган устувор вазифалар қаторида Янги Наманган туманига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Энди туман олдида ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айланишдек юксак мақсад турибди.

Ҳозир туманда ишсизлик даражаси 4,6 фоизни ташкил этиб, ўтган йил бошидаги 5,5 фоизга нисбатан сезиларли пасайган. Бироқ бу натижа ҳали чегара эмас. Энди асосий вазифа мавжуд ички имкониятларни тўлиқ сафарбар этиб, аҳолининг барқарор даромад манбаига эга бўлишини таъминлашдир.

— Президентимиз топшириғи асосида Янги Наманган туманини ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқилди, — дейди туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Шарифжон Абдураҳимов. — Жорий йилда 3 777 та доимий иш ўрни яратиш, 14 755 нафар аҳоли даромадини ошириш режалаштирилган. Бунинг учун инвестиция лойиҳалари билан бир қаторда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

## Дарё каби «уйғоқ» кўча

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бу ерда 13 километрлик 7/24 тартибида ишлайдиган сервис кўчаси бор. Шунча масофада савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш тузилмалари жойлашган бу манзил туман иқтисодиётининг янги "ўсиш нуқтаси"га айланиши кутилмоқда. Кўчада дўконлар, қаҳвахоналар, ресторанлар, дорихоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва бошқа сервис объектлари кечаю кундуз фаолият кўрсатади.

Мазкур кўчада умумий қиймати 146 млрд. сўмлик 1,6 мингта тадбиркорлик лойиҳаси амалга оширилиб, 21 мингга яқин иш ўринлари очилди. Яқин истиқболда ушбу сервис кўчаси нафақат Наманган, балки бутун Фарғона водийсининг энг йирик хизмат кўрсатиш марказларидан бирига айланиши кутилмоқда.

Бу ташаббус туманда барпо этилаётган йирик шаҳарсозлик лойиҳалари билан ҳам узвий боғлиқ. Истиқболда Янги Наманган шаҳарчасида 721 та кўп қаватли уй, 50 мингдан зиёд хонадонлар, 28 та мактаб, 24 та мактабгача таълим муассасаси, 5 та шифохона, олий таълим муассасалари, бизнес марказлари ва бошқа ижтимоий объектлар қурилиши режалаштирилган.

Иш ўринлари яратишда хорижий инвестициялар ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, Хитойнинг "Shin Xun" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган 55 млн. долларлик қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаси бугуннинг ўзида ўнлаб инсонларни иш билан таъминлаган. Корхона тўлиқ қувватда ишлай бошлаганда яна 100 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлади.

— Бир неча йил Россияда қурилиш соҳасида меҳнат қилдим, — дейди ишчи Наримон Одилов. — Лекин мусофирликда топилган маблағ оиладан узоқ яшашнинг ўрнини босмайди. Ватанимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида эшитиб, ўз юртимга шошдим. Ҳақиқатда, кўзни қувнатадиган ҳаётий бунёдкорликларни кўриб ақлим шошди. Бугун элу юрт тараққиётига ўз ҳиссамни қўшяпман, даромадим яхши, энг муҳими, оилам бағридаман.

Туманда саноатни ривожлантириш бандликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Соҳил маҳалласидаги "Тараққиёт" саноат ва сервис зонасида 113 та лойиҳа амалга оширилиб, йиллик 500 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Бу ерда қарийб 4 800 киши доимий иш билан таъминланган.

## Меҳнат бозори ва рақобатбардошлик

Экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқараётган "Saodat sanoat servis" МЧЖ ҳам ислоҳотларнинг фаол иштирокчиларидан. Корхонада ҳозир 200 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. 2025 йилда 3 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йил якунигача бу кўрсаткични 5 млн. долларга етказиш режалаштирилган. Қўшимча ишлаб чиқариш биноси қурилиши эса яна 250 та янги иш ўрни очиш имконини беради.

— Илгари уйда буюртма асосида тикувчилик қилардим, — дейди Рисликҳон Абдураҳимова. — Даромад мунтазам эмасди, шу боис рўзғорда қийинчиликлар бор эди. Меҳнат ярмаркаси орқали ушбу корхонага ишга кирдим. Бугун барқарор иш ҳақи оляпман, корхонада меҳнат шароитлари яхши, транспорт ва тушлик ташкил этилган. Меҳнатим билан рўзғорни тебратаётганим ўзимга бўлган ишончимни оширди. Шундай йирик корхоналар доим ишлаб турса, элу юртга барака келтиради.

"Миробид Текстиль" корхонасида ҳам бугун 300 нафардан ортиқ кишилар меҳнат қилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли сочиқлар Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси ва бошқа мамлакатларга экспортга чиқарилмоқда.

— Ўтган йили 10 млн. долларлик экспортни амалга оширдик, — дейди корхона раҳбари Ҳикматилло Бобохонов. — Логистика имкониятларини кенгайтириш ҳисобидан бу йил экспорт ҳажмини 15 млн. долларга етказишни режалаштирганмиз. Бу эса яна янги иш ўринлари очилишига асос бўлади.

Албатта, ишсизлик ва камбағалликка бутунлай барҳам бериш бир кунда амалга ошадиган иш эмас. Бунинг учун малакали кадрлар тайёрлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни кўпайтириш ва аҳолининг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш каби вазифалар изчил давом эттирилиши лозим.

Бу борада Янги Наманганда амалга оширилаётган ишлар самарали натижалар бермоқда. Хусусан, "Тараққиёт" саноат ва сервис зонасида мебель ишлаб чиқариш бўйича 37 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 202,5 млрд. сўм бўлиб, қарийб 4 мингта янги иш ўрни очилади. Шунингдек, 2 гектар майдонда замонавий автосервис комплекси барпо этилиб, яна 400 нафар фуқаро бандлиги таъминланади.

Энг муҳими, Янги Наманганда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш фақат ижтимоий нафақалар ёки вақтинчалик дастурлар ҳисобига эмас, балки иқтисодий "ўсиш нуқталари", инвестициялар, саноат, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш орқали ҳал қилинаётир. Ана шу ёндашув бугуннинг ўзида ўз самарасини бермоқда.

Албатта, ушбу ислоҳотлар изчил давом эттирилади ва Янги Наманган яқин келажакда вилоят миқёсида эмас, мамлакатимиздаги туманлар орасида ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича энг илғор ва намунавий ҳудудлардан бирига айланади.

**Акрамжон САТТОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**2026 йил 1 сентябрдан Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти ва «Самарқанд» халқаро аэропортларида Миграция жамғармаси ҳисобидан сунъий интеллект технологияларидан фойдаланилган ҳолда Миграция маслаҳат бюролари ташкил этилади.**

# ДУНЁДА СЎЗДАН ҚУДРАТЛИ КУЧ ЙЎҚ

*Давлатимиз раҳбари қорақалпоқ маданияти, санъати ва адабиётига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Тошкентдаги Адиблар хиёбонида Бердақ, Тўлепберген Қайипбергенов ва Ибройим Юсупов ҳайкалларининг қад ростлаши, Нукусда Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов номидаги ижод мактабининг очилиши ана шу юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Муратбой Низанов шу эзгу анъаналарнинг муносиб давомчиси. Унинг асарлари асосида кўплаб фильмлар тасвирга олинган, жумладан, “Танка” фильми ўзбек томошабинларига ҳам яхши таниш. У бугун Янги Қорақалпоғистонни бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган замондошларимиз ҳақида романлар ёзмоқда.*



## Бизнинг суҳбат

**— Муратбой оға, суҳбатимиз аввалида кундан-кунга янгиланаётган Қорақалпоғистон ҳақидаги таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз...**

— Бугунги жамиятдаги ўзгаришлар олдида ҳар қандай фантаст ёзувчилар ҳам “ип эшолмай қолди”. Кечаги янгилик бугун эскиряпти, бугунгиси эртага яна шу ҳолга тушади. Биз, ёзувчилар замон қаҳрамонлари образини яратайлик деб ният қилсак, кўкка кўтарган қаҳрамонимиз ўзидан кейин чиққан қаҳрамонлар олдида ҳеч ким бўлмай қоляпти. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар шиддатидан. Мустақилликка эришгунимизча Қорақалпоғистонда атиги иккита тўққиз қаватли тураржой ва битта ўн бир қаватли меҳмонхона бор эди. Ўшанда “Нукусда ер ости сувлари яқин, шунинг учун баланд бинолар қуриб бўлмайди”, деб ишонтиришган. Бугун эса Нукус шаҳрида 16 қаватли еттита тураржой қад кўтарди. Сўнгги ўн йилликларда Қорақалпоғистон бўйича 5 — 7 қаватли 278 та тураржой барпо этилди.

Жорий йилнинг 1 январь санасига республикамиз аҳолиси 2 миллион 53 минг кишига етган бўлса, шундан 350 мингини нукусликлар ташкил қилади. Етмиш битта маҳаллага жойлашган салкам 90 минг хонадонда қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, туркман ҳамда бошқа миллат вакиллари тотув ҳаёт кечирмоқда. Ҳар бирининг қалбида “Ўзбекистон — умумий уйимиз” деган ватанпарварлик ҳисси жўш уриб турибди. Авваллари қорақалпоғистонлик ёшлар билим ортидан Тошкент, Самарқандга йўл олса, энди Нукусдаги олийгоҳларда Хоразм, Бухоро, Навоий, ҳатто Сурхондарё-ю Қашқадарё вилоятларидан келган ёшлар ҳам таълим олмоқда. Айниқса, Оролбўйи ҳудудидаги болаларнинг турмуш тарзини яхшилаш, тиббий-ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш ҳамда уларни ҳаётга фаол мослаштириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг қарори асосида 2019 йил 4 апрелда Нукус шаҳридаги “Имкон” реабилитация маркази қошида давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилгани муҳим аҳамиятга эга. Мазкур муассаса Ўзбекистонда биринчи марта очилди. Ота-она учун фарзандининг ногирон бўлиб туғилиши оғир дард. Фарзандидан кечолмайди, онанинг ёлғиз ўзи бундай болани парвариш қилиши жуда қийин. Шу маънода, бу муассаса ана шу оналар учун беқиёс ёрдам бўлди. Бу ерда болалар мослаштирилган ўқув дастури асосида таълим ҳам олмоқда. Юртимизда инсон қадрини улуғлаш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар бу кўнгли ярим болажонларни ҳам четлаб ўтмаётгани ана шу имкониятлар ва ғамхўрликларда ҳам яққол кўриниб турибди.

**— Орол ҳудудидаги янгиланишлар ҳақида нима дея оласиз?**

— Қорақалпоқ — ўз кўнглини ўзи шод этиб юрадиган халқ. Бундан ҳам ёмон кунда тўйга борганмиз, деб ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ўзини олдирмаган. Хотин-қизларимиз ўзининг юриш-туришидан адашмаган, қадди-қоматини бузмаган. “Ёв келди деб юришимни янгилайми”, деган экан шундай бир беклиги мустаҳкам опамиз. Орол ҳақида дунё жар солаётганига 40 — 50 йил бўлди. Қани шуларнинг фойдаси? Рюкзагига минерал сув солиб олган чет эллик олимлар, журналистлар “Қуриб қолган денгиз туби қандай бўлар экан?” деб томоша қилиш учунгина келарди. Қўлларини минерал сувда ювадиган бу кибрли туристларга халқимиз ўзлари емайдиган таомларини тортарди.

2018 йил ноябрь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мўйноққа келди. У “Оролнинг қуриб қолган тубидаги 5 миллион гектар ерни ўрмонзорга айлантирамиз” деган шиорни илгари сурди. Шу кундан бошлаб мамлакатнинг барча вилоятларидан ёрдамчилар ўз механизмлари билан оқиб кела бошлади. Ҳозир ўша 5 млн. гектар майдоннинг 3,5 млн. гектарида саксовул ҳамда шўрга чидамли бошқа ўсимликлар ўсиб турибди. Натижада Орол тубидан кўтариладиган тузли чанг тўхтади. 70 — 80-йиллардан бери водоканал тармоғидан сув ичмаган Мўйноқ аҳолиси ўша 2018 йилнинг ўзидаёқ тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бўларкан-ку! Ҳеч ким четдан келиб бизга “жаннат” қуриб бермайди. Ҳамма нарса ўз қўлимизда, ўз ниятимизда ва интилишимизда экан! “Қорақалпоғистонда одамларнинг ўртача умри йил сайин қисқариб бормоқда”, деган тахминлар ҳозир ҳақиқатга тўғри келмайди. Бугунги кунда ўзини “ривожланган давлатлар” деб ҳисоблайдиган Европа мамлакатларида ўртача умр кўриш давомийлиги 77 — 82 ёш атрофида бўлса, Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич 76 ёшни ташкил этади. Албатта, бу охирги чегара эмас. Юртимизда 80 — 90 ёшдагиларни айтмаганда, 100 ёшдан ошиб умр кечираётган отахон ва онахонлар ҳам талайгина. 2015 йилда биз киноижодкорлар билан биргаликда Тўрткўл шаҳрида 1880 йилда туғилган Тўти Юсупова ҳақида фильм суратга олдик. Ўша пайтда 135 ёшни қаршилаган бу она нафақат республикамиз, балки бутун дунёдаги энг кекса инсон эди. У шунча ёшга кирганига қарамай, тандирда ёпилган нонни бемалол чайнаб ея оларди (чунки унинг тишлари янгидан чиққан), шунингдек, хона ичида ҳеч кимнинг ёрдамисиз юра оларди. Яқинда яна бир узоқ умр кўрган фуқаро ҳақида эшитиб, Тахтакўпир туманига бордик. Унинг исми Бийбихон Акимниязова бўлиб, 1900 йилда туғилган, яъни ҳозир 126 ёшга кирмоқда. Айни пайтда онахон “Ўзбекистон” овул фуқаролар йиғинига қарашли Бессари қишлоғида асраб олган ўғли Жийенбаев Бердибой билан бирга яшаяпти.

> **Коррупция — бу зарпечакка ўхшайди. Зарпечакнинг илдизи бўлмайди. У бошқа ўсимликка ёпишиб олади, шунинг ҳисобига озиқланади ва ўша ўсимликни қуритади. Бизда зарпечак бошқа ёввойи ўтлардек юлиб ташланмайди. Уни кўмиб ёки ёқиб юборадилар. Коррупция ҳам ҳозир зарпечакдек ёйилиб кетган. Унинг шакллари кўп. Ундан фақат “ёқиб йўқотиш” билангина қутулиш мумкин. Унинг битта бўғини тирик қолса ҳам, яна ўсиб, кўпайиб кетаверади.**

**— Тараққиёт, шубҳасиз, тинчлик меваси. Шундай эмасми?**

— Дарҳақиқат, бу ҳақ гап. Шу боис бу осойишталикни асраш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш олий қадрият ҳисобланади. Бирорта ҳам қорақалпоқ хонадони йўққи, ё ўзбек, ё қозоқ билан куда-анда бўлмаган бўлса! Ватаннинг қадрини четга чиққанда, миллатлар дўстлигининг меҳрини эса мусофир бўлган пайтингда теранроқ англайсан.

Келинг, шу ўринда бир мисол. 2023 йил март ойида Умра зиёратига бордим. Қайтишда Кувайтдан Тошкентга учдик. Самолёт ўша томоннинг авиакомпаниясиники эди. Қаттиқ чанқаганимдан стюардларнинг аравачасидаги турли-туман совуқ ичимликларга қараб қўяман. Бироқ ҳеч кимга тарқатиб берилаётгани йўқ.

— Менга бир стакан сув беринг! — дедим чидолмай.

— Икки доллар, — деди улар.

Чўнтагимда бир-икки юз долларлик пул бор эди, лекин майдаси йўқ. Шу орада сув сўраганимни эшитиб қолган йўловчилар:

— Менда термосда чой бор.

— Газсиз сув ичасизми?

— Мана, ичинг, муздеккина...

Ҳар томондан сув таклиф қилувчилар кўпайди. Қалбим эриб кетди. “Мусулмончилик араб ўлкасидан тарқалган бўлса ҳам, ундаги одамгарчилик бизда сақланиб қолган экан-да!” дедим Ватанга муҳаббат ва халқимга чуқур меҳр билан.

“Uzbekistan Airways” самолётида берилган овқатни еб тугата олмасдим. Салонда чойнак кўтариб юрган стюардессалар қанча сўрасанг, шунча чой ёки совуқ сув бериб турарди...

**— Сиз асарларингиз орқали китобхонларга қорақалпоқларнинг қандай урф-одатлари, қадриятларини етказмоқчисиз?**

— Қорақалпоқ халқининг менталитети, унинг турмуш кечириш шароити бошқа қардош халқлардан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам у қорақалпоқ-да! Бироқ унинг шундай нозик томонларини билмасдан туриб, ўзларича: “Бундай бўлмайдими?” деб юрувчилар ҳам анча. Айниқса, кино соҳасида. 2020 йил мартда қорақалпоқ қизининг тақдири ҳақида бадиий фильм яратилди. Фильмнинг қаҳрамони ҳаётдан олинган. Манзура Эрниязова деган қиз поезд ҳалокатига учраб, бир оёғи ва бир қўлидан айрилади. Олти-етти ойлаб тўшакда ётиб қолади. У ўз ихтиёри билан эрига бошқа аёлга уйланишга рухсат беради. Тушкунликка таслим бўлмаган қиз узоқ даволангандан кейин оёққа туради ва шу бир оёқ, бир қўлда ҳунармандчилик билан шуғулланади. Ўн — ўн икки нафар қизни атрофига жамлаб, “Миллий кийимлар тикиш цехи”ни очади. Қизларни иш билан таъминлайди. Мўйноқликлар унга “Йўлбарснинг юрагини еган қиз” деб баҳо беришади. Мана шу қиз ҳақида фильм суратга олинди. Шу фильмга муҳаррирлик қилсам-да, режиссёрлар сценарий ўзгарганини айтмади. Фильмнинг номи “Тақдир поезди” эди. Режиссёр уни “Тенгиз” деб ўзгартирибди. Бош қаҳрамон қизга ҳам “Тенгиз” деб ном қўйибди. Фильмга овоз ёзиш учун режиссёрлар Нукусга келди. Мен эса фильмни кўрганим йўқ. Қандай чиққанини ҳам билмасдим. Бироқ режиссёрга айтдим:

— Қорақалпоқларда Тенгиз деган қизнинг исми бўлмайди. Йигитларда бўлиши мумкин — Тенгизбой деган, лекин у ҳам мингтадан биттасида учрайди.

— Тенгиз деган қизнинг исми туркларда бор экан, — деди у.

— Биз турк эмасмиз, — деб овоз беришда қатнашмасдан кетиб қолдим.

Бу ерда режиссёрнинг йўқ жойдан “Тенгиз” деган номни олиб келиб ёпиштириши юқоридагиларнинг назарини тортишдан бошқа нарса эмас эди. Кейин ўзим ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг қардошлиги, куда-андалиги ҳақида фильм ишладим. Унда Нукусга келган қудағайнинг қўлига бўлажак келини лаган-қумғон олиб бориб сув қуяди. Қизнинг елкасида сочиқ туради. Фильмни кўрган биздаги айрим ёши улуғлар:

— Қорақалпоғистонда ҳали канализация йўқ экан, деб ўйламасмикан? — деди.

— Йўқ, оқсоқол, бу меҳмонга бўлган ҳурмат, халқимизнинг анъанаси-ку! Меҳмонга “Бориб қўлингизни ювиб келинг” десак, қандай бўлади?

Фильмнинг давоми Тошкентда олинди. Қорақалпоқ қизи келин бўлиб тушди. Келиннинг қайнотаси ролини Эркин Комилов, қайнонаси ролини Аида Юнусова ижро этди.

Эркин ака келинга тавоқлик олиб бераётганда келин эгилиб олди. Эркин ака:

— Э-э, — деб тавоқнинг четидан ушлаб қолди.

— Буларда шундай одат бор экан, — деди Аида Юнусова.

— Шундайми, мен тавоқ қўлидан тушиб кетяпти, деб ўйлабман.

Эркин акага келин тавоқни олаётганда эгилиб олиши олдиндан айтилмаган экан. Фильмда қорақалпоқ халқининг айрим урф-одат ва анъаналарини атайин эмас, балки ҳаётий ёритишга ҳаракат қилдим.

**— “Танка” фильмида коррупция мавзусини 23 йил аввал кўтаргансиз. Сизнингча, шундан бери коррупция камайдими ё қиёфасини ўзгартирдими?**

— “Танка” фильми ҳалигача экрандан тушмай келяпти. Бу мен учун ҳам, қорақалпоқ халқи учун ҳам катта фахр. Кинокартинада коррупциянинг кичик бир элементи бор: бир диплом иши — бир сигирнинг пули! Бироқ фильм давомида бу иллат бутунлай унутилиб кетади. Уни қорақалпоқ халқининг санъатга қизиқиши, айниқса, ўша санъат арбобига меҳри ва ҳурмати енгиб кетади. Натижада фильмда бундай “юлғичлик” иллати сезилмай қолади.

Коррупция — бу зарпечакка ўхшайди. Зарпечакнинг илдизи бўлмайди. У бошқа ўсимликка ёпишиб олади, шунинг ҳисобига озиқланади ва ўша ўсимликни қуритади. Бизда зарпечак бошқа ёввойи ўтлардек юлиб ташланмайди. Уни кўмиб ёки ёқиб юборадилар. Коррупция ҳам ҳозир зарпечакдек ёйилиб кетган. Унинг шакллари кўп. Ундан фақат “ёқиб йўқотиш” билангина қутулиш мумкин. Унинг битта бўғини тирик қолса ҳам, яна ўсиб, кўпайиб кетаверади.

**— Афсуски, ҳозир бадиий асарларнинг ўрнини у ёки бу даражада ёзилган тижорий сценарийлар эгаллади. Бекорчи “сериалнавис”лар телевидениега зулукдек ёпишиб олган. Бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб бораётган сериалларда романларда етишмайдиган ҳамма нарса бор. Сизнингча, бугун ёзувчига нима қолди?**

— Режиссёрлар кўпинча фильмга ўзлари сценарий муаллифи бўлишни истайди. Навбатдаги фильмни суратга олаётиб: “Шундай қилиб мен ҳам ёза оламан-ку” деган хаёлга берилади-да, йўқ жойдан воқеа тўқиб, фильм ишлайди. Бироқ ёзувчининг асаридаги ғоя қандай эди, сўзларнинг салмоғи қандай эди, бунга эътибор бермайди. Эътибор берган тақдирда ҳам, унинг уддасидан чиқиши қийин. Ўзимнинг “Меҳригиё” (“Маргия”) фильмимдан бир эпизод келтирай. Фильмга таклифлар асосида айрим муаллифлар ҳам ҳисса қўшди. Ўша қўшилган улушлар учун ҳалиям хижолат тортаман.

...Қорақалпоқ қизига ошиқ йигит Тошкент тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент давлат тиббиёт университети)нинг юқори босқичида ўқийди. Йўлда кетаётганида қўл телефони жиринглайди. Кимдир унга бир бемор ҳақида мурожаат қиляпти.

Йигит эса:

— Бўпти. Менинг қабулимга келсин! — дейди.

Ўзи талаба бўлса, ҳали рецепт ёзишни ҳам ўрганмаган. Қаёқда унинг қабули бўлади? Бироқ ўша эпизод мени “огоҳлантирган” танқидчиларга маъқул бўлди. Демоқчиманки, дунёда сўз қудратидан ўткир куч йўқ. Яхши фильм олиш учун яхши сценарийга эҳтиёж сезилади. Бунинг учун эса чинакам бадиий асарларга мурожаат этиш керак.

**— Китобхонликни кўтариш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Илгари одамлар болаларига улар учун мўлжалланган эртак ёки шеър китобларни совға қиларди. Ҳозирги ёшлар эса болаларига тез ёнувчи шамлар, киллерлар тақадиган ниқобларни олиб беряпти. Шунинг учун болалардан олдин ўзимизни тарбиялашимиз керак. Президентимиз ёшларни китобга қайтариш учун фармон ва қарорлар чиқаряпти. Танловлар эълон қиляпти. Афсуски, совғага автомобиль олган айрим китобсеварлар “Мен 500 та китоб ўқидим”, деб интервью беради. Мен ҳозир 75 ёшдаман. Учинчи синфдан бадиий китобларга қизиққанман. Ростини айтсам, шу ёшимгача ўқиган китобларим 500 тага етмаган. Улар эса 9-10 та китоб ўқибоқ “500 та китоб ўқиганман”, дейди.

Энди бугунги замондошларимиз ҳақида айтадиган бўлсам, кўз тегмасин, ҳамма нарса етарли. Илгари нотаниш қишлоққа келиб қолган одам ўша қишлоқнинг тандирига қарар экан. Агар бутун қишлоқда битта тандир бўлса “Ҳа, бу қишлоқ одамлари аҳил экан” деган хулосага келинган. Чунки “Кўз-кўзга тушса, меҳр юзга тушади” дейишади. Тандир баҳона, улар бир-бири билан тез-тез кўришиб турган. Сатира асарларимнинг бирида шундай жумлани ёзгандим: “Керак бўлмаса ҳам қўшнидан элак сўраб тур, бўлмаса бир-бирингизни танимай қоласиз!”. Ўзимиз роботга айланиб қолмасдан туриб, инсоний фазилатларимизни йўқотмайлик.

**— Маънавият ҳақида кўп гапириляпти, қорақалпоқлар ўзининг миллий қадриятлари, маданиятининг юксак анъаналарини жаҳонга қай даражада кўрсата оляпти?**

— Ўтган йили қорақалпоқнинг “қора уйи” ЮНЕСКО рўйхатидан ўрин олди. Ушбу хабар Ҳиндистоннинг Нью-Деҳли шаҳрида дунёга тарқалганда, кўнгли қувончдан тўлқинланмаган бирорта ҳам қорақалпоғистонлик қолмаган бўлса керак. Ундан олдинроқ эса бизнинг ўтовимиз “Гиннеснинг рекордлар китоби”га кириб, катта қувонч бағишлаганди. Чет элликлар энди “қора уй” деса, Қорақалпоғистонни тушунадилар. Бизнинг эса кўз олдимизга дарҳол Чимбой келади. Чунки “қора уй”нинг ватани Чимбойдир. Ҳар йили чимбойлик усталар Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистоннинг қатор вилоятларига юзлаб ўтовларни етказиб бермоқда. Уларга доимий равишда буюртмалар келиб туради. Мана, мустақиллик шарофати билан “қора уй”га ҳам навбат келди. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида айнан шу “қора уй” сабабли бойлар қаторига қўшилиб, сургунга ҳайдалган аждодларимиз, афсуски, “қора уй”нинг бошига бахт қуши қўнганини кўра олмади. Очиғи, “Янги Ўзбекистон” атамаси пайдо бўлганида, нега унга “янги” деган сўз қўшилди, деб ҳайрон бўлгандим. Бунинг моҳиятига мустақилликнинг 35 йиллигига бағишлаб “Янги Қорақалпоғистон” китобини ёзиш жараёнида тўлиқ амин бўлдим. Бизда вақти-вақти билан радиода янграйдиган “Гулистон” деган қўшиқ бор. Унда Қорақалпоғистон қуйидагича таърифланади:

*Ҳайрон бўлма, эй жаҳон, ҳайрон бўлма ҳеч,*
*Кечаги эмас бу Қорақалпоғистон.*
*Бу эл қайта туғилиб, яшнаган бўстон,*
*Бу эл мустақил элдир, бу эл Гулистон...*

**Адиба УМИРОВА**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

---

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар
## ТАФСИЛОТЛАР

### Ободлик ва қулайлик уйғунлашган маскан

*Андижон вилояти мамлакатимизда аҳоли энг зич ҳудуд ҳисобланиб, ҳар квадрат километр майдонга 800 нафардан ортиқ кишилар тўғри келади. Ана шундай шароитда вилоят марказидагина эмас, шаҳар ва туманларда ҳам янги тураржой массивлари барпо этилаётгани фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг ёрқин намунасидир.*



Хусусан, Шаҳрихон туманидаги Карнайчи маҳалласида 36,6 гектар майдонда қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида 111 та кўп қаватли уй, 6 та мактабгача таълим муассасаси, 1980 ўринли умумтаълим мактаби, оилавий тиббиёт пункти ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қад ростламоқда.

— Авваллари уй хариди бўйича, асосан, вилоят марказига интилар эдик, — дейди меҳнат фахрийси Нигорахон Сатимова. — Ҳозир эса ҳар бир шаҳар ва туманнинг ўзида кўп қаватли уйлар барпо этилаётгани аҳолининг тураржойга эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда. Биз ҳам шу манзилдан фарзандларимиз учун хонадон сотиб олиш ниятидамиз. Боиси бу ерда яратилаётган шароитлар ривожланган давлатлардаги замонавий тураржой мажмуаларидан асло қолишмайди.

Айни пайтда массивда 7 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Натижада юзлаб оилалар янги хонадонларга кўчиб ўтди. Бу мустақиллигимизнинг 35 йиллик байрами арафасида юртдошларимиз учун муносиб совға бўлди.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### Янгиланган насос станциялари

*Бухоро вилояти суғориш тизимини “Аму-Бухоро” насос станцияларисиз тасаввур этиш мушкул. Иншоотга ирригаторлар “воҳанинг қон томири” дея таъриф беришади.*



Икки йирик насос станциясида бошланган реконструкция ва модернизация юмушлари муваффақиятли якунига етди. Хусусан, “Аму-Бухоро-1” насос станциясида салкам 83 млн. АҚШ доллари миқдорида модернизация ишлари бажарилди. Эскирганлари ўрнини замонавий, энерготежамкор ускуналар эгаллади.

Мутахассислар бу кенг қамровли юмушнинг иқтисодий аҳамияти бениҳоя катталигини таъкидлашмоқда. Чунончи, иншоотда ўтган йили тажриба тариқасида олиб борилган тадбирлар янгиланган станцияда йилига 75 млн. киловатт-соат электр энергияси тежаб қолиниши мумкинлигини кўрсатди. Бу ўртача 80 млрд. сўмга яқин маблағ иқтисод қилинишини англатади. Бинобарин, Осиё тараққиёт банки лойиҳасига асосан сарфланган маблағ, нари борса, 10 — 12 йилда ўзини оқлайди. Бухоро ва Навоий вилоятлари қишлоқ хўжалиги учун зарур сув узлуксиз етказиб берилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### Инклюзив муҳит ривожи учун замонавий технология

*Гулистон туманидаги кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган 11-сонли “Нурли маскан” мактаб-интернатида Брайль ёзувидаги ҳамда тактил ахборот маҳсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунга юқори технологияли “Nocai UV Flatbed Printer” ускунаси ишга туширилгани туфайли эришилди.*



Ушбу принтерда шиша, металл, ёғоч, акрил, пластмасса, керамика, тери, МДФ ва бошқа турли материаллар юзасига тасвир ҳамда ёзувларни юқори аниқликда тўғридан-тўғри босиб чиқариш мумкин. Натижада Брайль алифбосидаги ахборот белгиларини, тактил йўналтирувчи кўрсаткичларни, эшик ва хоналар учун махсус лавҳаларни, рельефли графика, кўриш имконияти чекланган шахсларга мўлжалланган ўқув-методик материалларни Сирдарё вилоятининг ўзида тайёрлаш имконияти яратилди.

— Келгусида лойиҳани янада кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ҳамда ижтимоий шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали инклюзив муҳит ривожига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз, — дейди “Нурли маскан” мактаб-интернати директори Нигора Баликова. — Янги ускуна фақат таълим муассасаси учун хизмат қилмайди. Яъни ундан давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, банклар, маданият масканлари ҳамда бошқа ижтимоий объектлар учун Брайль ёзувидаги пешлавҳалар, ахборот стендлари, кабинет ва эшик белгилари, тактил навигация воситаларини тайёрлашда ҳам фойдаланилади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

**Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ахборот технологиялари маркази томонидан эшитиш ва нутқида қийинчилик кузатилаётган шахслар учун мобиль илова ишлаб чиқилди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.41 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6